

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АШУРОВ АЛИШЕР АБДИМАВЛАНОВИЧ**

**ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БАКАЛАВР**  
**ТАЛАБАЛАРИ КОММУНИКАТИВ ЧЕТ ТИЛИ**  
**КОМПЕТЕНЦИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ШАХСГА**  
**ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЁНДАШУВ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси**  
**(инглиз тили)**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Ашуров Алишер Абдимавланович**

Техника олий таълим муассасалари бакалавр талабалари  
коммуникатив чет тили компетенциясининг шаклланишида  
шахсга йўналтирилган ёндашув..... 3

**Ашуров Алишер Абдимавланович**

Личностно-ориентированный подход в формировании иноязычной  
коммуникативной компетенции студентов бакалавриата технических  
высших образовательных учреждений..... 23

**Ashurov Alisher Abdimavlanovich**

A Student-Oriented Approach in Forming the Foreign Language  
Communicative Competence for Bachelor Technical Students..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АШУРОВ АЛИШЕР АБДИМАВЛАНОВИЧ**

**ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БАКАЛАВР**  
**ТАЛАБАЛАРИ КОММУНИКАТИВ ЧЕТ ТИЛИ**  
**КОМПЕТЕНЦИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ШАХСГА**  
**ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЁНДАШУВ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси**  
**(инглиз тили)**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Ped200 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.uzswlu.uz](http://www.uzswlu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Бакиева Гуландом Хисамовна</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Тухтасинов Илхомжон Мадаминович</b> педагогика фанлари доктори, профессор <b>Назарова Мадина Атахановна</b> педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент давлат педагогика университети</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 28 сентябр куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтди (манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21-А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: [uzswlu\\_info@mail.ru](mailto:uzswlu_info@mail.ru)).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (16 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21-А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2020 йил «16 сентябр» куни тарқатилди.  
(2020 йил «16 сентябр» даги 16 рақамли рёестр баённомаси.)



*[Handwritten signature]*

**Ж.А. Якубов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси  
филол. ф.д., профессор

*[Handwritten signature]*

**Х.Б. Самигова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий  
хотиби, филол.ф.д.

*[Handwritten signature]*

**Л.Т. Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, пед.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда машинасозлик соҳасига оид терминология, уни чет тилларда ўқитиш, турли тиллардаги терминларнинг қиёсий татбиқи соҳавий инглиз тилини ўрганишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. ECTS кредит технологиясига ўтиш, талабаларга хорижда ўқишни давом эттириш учун олий таълим муассасасини танлашда шарт-шароитлар яратиш, муайян давлатдаги мавжуд таълим олиш муддатининг хорижий давлатларда тан олиншини таъминлаш, Европа олий ўқув таълим муассасалари ўқув режаларини ўрганиш ва шу асосда ўқув жараёнини такомиллаштириш, талабалар қобилиятини тўларивожлантириш ва ўқитишнинг юқори натижаларига эришиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида шахсий ва маданий ёндашувларга асосланган ҳолда шахсга йўналтирилган синергетик ва педагогик феноменология ғоялари замирида ўз-ўзини ташкил этувчи таълимни шахсга йўналтирилган концепциялар асосида шакллантириш, Гарвард, Питтсбург, Оксфорд, Турин каби университетларда тилларни шахсга йўналтирилган ёндашув асосида ўқитиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш бўйича тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга моликдир. Шу жиҳатдан АҚШ ва Европа техника олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда машинасозлик соҳаси мутахассисларининг коммуникатив компетенциясини ривожлантириш, соҳавий терминологияни шахсга йўналтирилган ёндашув асосида ўқитиш, аутентик матнларни танлаш мезонларидан фойдаланиш, талабаларда соҳавий лексикографик малакаларни шакллантириш каби йўналишларда тадқиқотлар олиб бориш, хорижий тажрибаларни ўрганиш, инновацион технологиялардан фойдаланиш заруриятини изоҳлайди.

Мамлакатимизда инглиз тилини чуқур ўқитишга катта эътибор қаратилиб, таълим жараёнини умумжаҳон таълим стандартлари ва миллий кадриятларимизга мос равишда ташкил этиш мақсадида турли халқаро ташкилотлар билан алоқалар ривожлантирилмоқда. Хусусан, “Инглиз тили ва бошқа хорижий тилларни чуқур ўқитиш масаласига устувор аҳамият қаратиш, шу билан бирга, зарур бўлган мутахассисликлар бўйича таълим олиш ва кадрлар малакасини ошириш ишларини кенг кўламда йўлга қўйиш”<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгиланди. Бундан ташқари “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”га мувофиқ кредит модуль тизимига ўтиш жараёнида соҳавий терминологияни хорижий тилларда ўқитиш, машинасозлик соҳасига оид билимларнинг лексик тезаурусини шакллантириш, чет тили ва умумкасбий фанларнинг интегратив ўқитишда чет тили лексикасини шакллантириш модели ва технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий мажлисга мурожаатномаси // Правда востока, 2017 йил 23 декабрь. – № 248 (28706). – Б. 2.

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 майдаги 174-сон «Олий таълим тизими учун хорижий ўқув ва илмий адабиётлар харид қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 10 октябрдаги 816-сон «Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда хорижий тилни ўқитиш масалалари Г.Х.Бакиева, Л.Т.Ахмедова, Ж.Ж.Жалолов, Т.К.Саттаров, М.Джусупов, Д.Джуманова, Д.У.Хошимова каби тадқиқотчиларнинг ишларида ёритилган<sup>2</sup>.

Инглиз тилини ўқитиш методикаси бўйича Ф.М.Рашидова, Ф.Ш.Алимов, Б.Г.Кулматов, И.М.Тухтасинов, М.А.Назарова, кабилар илмий-тадқиқот ишларини олиб борган<sup>3</sup>.

Соҳавий терминларнинг лингвистик тадқиқи билан Д.Х.Кадирбекова, Н.А.Мартинова, А.Б.Адигенеева, О.Ахмедов, П.Нишонов, Ф.Икромхонова, Х.Палуанова, Ф.Абдуллаева, Ш.Абдуллаева кабилар шуғулланган<sup>4</sup>.

МДХ мамлакатларининг техника олий ўқув юртларида мутахассислик лексикасини ўқитиш хусусиятларини Е.Л.Елисеева, Т.В.Милушенко, Н.Ю.Павлова, Е.П.Рибина, Л.К.Сальная, И.Г.Трофимова ва бошқ. таҳлил қилган<sup>5</sup>.

---

<sup>2</sup>Бакиева Г.Х. Узбекский язык для стран СНГ.–Москва: МГЛУ, 2012. – 120с.; Ахмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов. –Т.: Фан ва технология, 2013. –200с.; Жалолов Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. – Тошкент, 2012. –Б.430; Саттаров Т.К. Формирование профессиональных умений будущего учителя иностранного языка на практических занятиях по специальности (на материале английского языка): Автореф.дис...д-ра пед.наук.-Ташкент, 2000. 32с. ва бошқалар.

<sup>3</sup>Рашидова Ф.М. Совершенствование концептуально-методических основ внедрения в систему непрерывного образования Узбекистана (на примере английского языка). Дисс. ...док.пед.наук.–Т.:2017. - С.309, Алимов Ф.Ш., Инглиз тилида ёзув компетенциясини шакллантириш (нофилологик факультетлар мисолида) Автореф. ... канд. пед. наук.–Т., 2018. ва бошқалар.

<sup>4</sup>Кадирбекова Д.Х. Инглизча-ўзбекча ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари. Автореф. дис. ... пед. фанлари бўйича фалсафа док. – Т., 2018. - 51с.; Мартынова Н.А. Роль терминологической лексики в формировании коммуникативной компетенции специалиста // Общество и человек. – 2014.– № 1(7). – С. 67-72. ва бошқалар.

<sup>5</sup>Елисеева Е.Л. Педагогические условия индивидуально-ориентированной иноязычной подготовки студентов

Европа мамлакатларида машинасозлик соҳасига оид терминлар Toni Atkins, Marcel Escudier, Nayler G.H.F., Editorial Board, Christopher Gorse, David Johnston, Twort A.C., Rees J.G., John Wilton Cuninghame Haldane ва бошқ. томонидан ўрганилган<sup>6</sup>.

Машинасозлик соҳасига оид терминларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари, машинасозлик соҳасига оид терминларнинг типологик таснифи, соҳани ўқитиш методикаси, термин лексикасида синоним, омоним ва антонимлар қаторини аниқлаш, ўқув кейслар тизимини ишлаб чиқиш зарурати тадқиқотимиз мавзусини белгилаб берди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлари” илмий лойиҳаси “Чет тилларни ўқитиш методикасининг янги йўналишлари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** шахсга йўналтирилган ёндашув асосида техника бакалавр талабалари коммуникатив чет тили компетенциясини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

таълим жараёнида инновацион ёндашувлар моҳиятини аниқлаш;  
“коммуникатив компетенция” тушунчаси ва унинг мазмун-моҳиятини тадқиқ этиш;

машинасозлик соҳасига оид терминларни таснифлаш, даражалари ва типологиясини аниқлаш;

инглиз тилига оид дастур ва ўқув адабиётларни таҳлил қилиш;

амалий машғулотларда машинасозлик соҳасига оид терминларни ўқитишда ўқув кейслардан фойдаланиш;

мустақил таълим жараёнида машинасозлик соҳасига оид терминларни ўқитишда ўқув лойиҳалардан фойдаланиш;

машинасозлик соҳасига оид терминларни ўқитишга оид тажриба-синов ишларини ташкил этиш, тадқиқот натижалари бўйича илмий асосланган методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида техника олий таълим муассасалари машинасозлик таълим йўналиши талабаларининг коммуникатив чет тили компетенциясини шахсга йўналтирилган ёндашув асосида шаклланиш жараёни танланган, тажриба-синов ишларига Тошкент давлат техника

---

технического вуза: на примере английского языка.: Дисс. ... канд. пед. наук. – Комсомольск-на-Амуре, 2006. – 204 с. ва бошқалар.

<sup>6</sup>Toni Atkins, Marcel Escudier. A dictionary of Mechanical Engineering. <https://www.oxfordreference.com/view/10.1093/acref/9780199587438.001.0001/acref-9780199587438>. Access date: 26.02.2020.; Nayler G.H.F. Dictionary of Mechanical Engineering. <https://www.amazon.in/Dictionary-Mechanical-Engineering-G-H-F-Nayler>. Access date: 26.02.2020.; Editorial Board. Handbook of Mechanical Engineering. <https://www.amazon.in/Handbook-Mechanical-Engineering-Editorial-Board>. Access date: 26.02.2020.; Christopher Gorse, David Johnston. A Dictionary of Construction, Surveying, and Civil Engineering (Oxford Quick Reference). <https://www.amazon.in/Construction, Surveying, and Civil Engineering>. Accessdate: 26.02.2020. ва бошқалар.

университети (ТДТУ), Андижон машинасозлик институти (АндМИ), Фарғона политехника институти (ФарПИ) ва Тошкент шаҳридаги Турин потитехника университетининг (ТТПУ) 355 нафар талабаси жалб қилинган.

**Тадқиқотнинг предмети** техника олий таълим муассасалари бакалавр талабалари коммуникатив чет тили компетенциясини шаклланишида шахсга йўналтирилган ёндашув мазмуни, шакллари ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланди: назарий (тахлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик тажриба-синов ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқ.).

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кредит-модуль таълими тизимида талабаларнинг коммуникатив чет тили компетенциясини оширишда машинасозлик соҳасига оид терминларни умумийдан хусусий томон категориялаштиришнинг самарали механизми илмий-назарий далиллар асосида исботланган;

машинасозлик соҳасига оид терминларни ўқитишда аниқлаш, таснифлаш, тизимлаштириш, таксономия, интенсивлик ва ассимиляция каби ўқитиш технологияларининг дидактик таъминоти шахсга йўналтирилган ёндашув асосида такомиллаштирилган;

кредит-модуль тизимида ўқишда машинасозлик соҳасига оид терминларнинг адаптив ва репродуктив усулда ўқитиш таркибий-функционал таҳлил орқали такомиллаштирилган;

касбий компетенцияни ривожлантиришга қаратилган ўқув кейслари ва ўқув лойиҳалари интеграцияси асосида машинасозлик соҳасига оид терминларни ўқитишнинг методик таъминоти ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бакалавр талабаларнинг коммуникатив чет тили компетенцияси машинасозлик соҳасига оид терминларни ўқитиш технологияси асосида шакллантирилган;

бакалавр талабаларнинг коммуникатив чет тили компетенциясини шакллантириш бўйича машинасозлик терминологиясига оид ўқув кейслар тўплами ишлаб чиқилган;

бакалавр талабаларнинг мустақил таълимида ўқув лойиҳалардан фойдаланиш бўйича топшириқлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ватавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таълим жараёнида ёндашувлар моҳияти ва



унинг турлари, шахсга йўналтирилган ёндашув тамойиллари ва таркибий қисмлари, “коммуникатив компетенция”, “чет тили компетенцияси” тушунчалари ва унинг мазмун-моҳияти ҳамда машинасозлик соҳасига оид терминларнинг типологик хусусиятлари ўрганилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти техника олий таълим муассасаларида “Инглиз тили” фанидан дарслик, ўқув қўлланма, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда машинасозлик соҳасига оид ўқув кейслари ва лойиҳалардан фойдаланиш имконияти билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Техника олий таълим муассасалари бакалавр талабалари коммуникатив чет тили компетенциясининг шаклланишида шахсга йўналтирилган ёндашув юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлари асосида:

илмий-назарий далиллар асосида исботланган кредит-модуль таълими тизимида талабаларнинг коммуникатив чет тили компетенциясини оширишда машинасозлик соҳасига оид терминларни умумийдан хусусий томон категориялаштиришнинг самарали механизмига оид хулоса ва маълумотларидан А-1-219 рақамли “Таълим тизимида хорижий тил (инглиз) йўналишидаги олий таълим таълим муассасаларида умумевропа компетенциялари (CEFR) бўйича C1 даражасини эгаллашни таъминлайдиган ўқув-услубий мажмуа яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 февралдаги 89-03-690-сон маълумотномаси). Натижада, машинасозлик соҳасига оид терминларнинг типологик таснифи ўқув-услубий мажмуалар мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилган;

шахсга йўналтирилган ёндашув асосида такомиллаштирилган машинасозлик соҳасига оид терминларни ўқитишда аниқлаш, таснифлаш, тизимлаштириш, таксономия, интенсивлик ва ассимиляция каби ўқитиш технологияларининг дидактик таъминотига оид бўйича хулоса ва маълумотлардан ОТ-Ф8-062-рақамли “Тил тараққиётнинг деривацион қонуниятлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 февралдаги 89-03-690-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларда соҳавий лексикографик малакаларнинг шаклланишига хизмат қилган;

кредит-модуль тизимида ўқишда таркибий-функционал таҳлил орқали такомиллаштирилган машинасозлик соҳасига оид терминларнинг адаптив ва репродуктив усулда ўқитишга оид хулоса ва маълумотлардан ОТ-А1-118-рақамли “Ўзбекистон Республикасида кўп қиррали маданий таълим муҳитида ўқитишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 февралдаги 89-03-690-сон маълумотномаси). Натижада, машинасозлик соҳасига оид терминларнинг таркибий-функционал таҳлил усуллари такомиллаштирилган;

касбий компетенцияни ривожлантиришга қаратилган ўқув кейслари ва ўқув лойиҳалари интеграцияси асосида ишлаб чиқилган машинасозлик соҳасига оид терминларни ўқитишнинг методик таъминотига оид хулоса ва маълумотларидан ОТ-Ф8-062-рақамли “Тил тараққиётнинг деривацион қонуниятлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 февралдаги 89-03-690-сон маълумотномаси). Натижада, машинасозлик соҳасига оид терминларни ўқитиш технологияси кредит-модуль тизими асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 5 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 3 та мақола, шундан 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 123 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида илмий тадқиқотнинг мавзуси ва унинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, эришилган натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Техника йўналишидаги бакалавр талабалари коммуникатив чет тили компетенциясини шаклланишида шахсга йўналтирилган ёндашувнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида таълим жараёнида ёндашувлар моҳияти, унинг турлари, “коммуникатив компетенция” тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти ҳамда машинасозлик соҳасига оид терминларнинг типологик хусусиятлари таҳлил қилинган.

Замонавий педагогика назарияси ва амалиётида қуйидаги тарбия концепциялари мавжуд:

тизимли-ижтимоий лойиҳалаштиришга асосланган ижтимоий тарбия концепцияси (Б.П.Битинас, В.Г.Бочарова, А.Б.Мудрик, Г.Н.Филонов, М.И.Шилов ва бошқ.);

умуминсоний кадриятларга, жамоавий ижодий тарбия ғояларига асосланган жамоавий тарбияга йўналтирилган концепция (В.А.Караковский, З.А.Малкова, Л.И.Новикова, М.И.Розков, Н.Л.Селиванов ва бошқ.);

дунёдаги инсоний, шахсий ва маданий ёндашувларга асосланган шахсга йўналтирилган маданий концепция (Э.П.Белозерцев, Э.В.Бондаревская, И.А.Колесникова, Н.Э.Шчуркова, Э.Ш.Ямбург ва бошқ.);

синергетик ёндашув ва педагогик феноменология ғоялари асосида ўз-ўзини ташкил этувчи таълимнинг шахсга йўналтирилган концепцияси (С.Б.Кулневич, Н.М.Таланчук ва бошқ.)<sup>7</sup>.

Таълим мақсадлари, одатда, таълим муассасаси битирувчиси олган кўникма, билим ва кўникмалар тўпламидан фойдаланган ҳолда белгиланади. Замонавий шароитда ўқишга бундай ёндашиш мумкин ва етарли эмас. Кўпгина тадқиқотлар натижалари кўрсатадики, бугунги кунда талабалар кўп ҳолларда қуйидагиларни амалга ошира олмайди:

кундалик ҳаётдаги ҳақиқий муаммоларни тан олиш;

аниқланган муаммонинг таърифини бериш;

муаммоларини ҳал қилишни талаб қиладиган вазифаларга айлантириш;

муаммони ўқув жараёнида олинган билимлар билан таққослаш;

қарор натижаларини баҳолаш ва таҳлил қилиш<sup>8</sup>.

Таълим жараёнида антропологик, синергетик, гендер, компетенциявий, фаолиятли-компетенциявий, изланишли, аксиологик, тизимли-фаолият, ривожлантириш, шахсий, шахсга йўналтирилган, инсонпарварлик ёндашувлари мавжуд.

*Шахсий ёндашув* психология ва педагогика фанининг фаол таълим-тарбия муҳитини яратиш, ривожланиш ва ўзини-ўзи ривожлантиришда индивидуаллик, ўзига хосликни ҳисобга олишни назарда тутадиган энг муҳим тамойилдир. Боланинг таълим жараёнидаги позициясини белгилайдиган бу принцип унинг фаолият мавзуси сифатида тан олинishi ва шунинг учун субъект-субъект муносабатларини шакллантиришни англатади. Таникли психолог С.Л.Рубинштейн шахсий ёндашув назарийтчиси сифатида эътироф этилди. Бошқа машҳур психолог К.К.Платоновнинг фикрига кўра, шахсий ёндашув инсонга бошқа барча руҳий ҳодисаларни аниқлайдиган тизим сифатида тушунилган шахс сифатида индивидуал ёндашувдир<sup>9</sup>.

Таълимда “шахсга йўналтирилган таълим”, “шахсга йўналтирилган таълим технологиялари”, “шахсга йўналтирилган ёндашув” ҳамда “шахсга йўналтирилган дарс” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини англаш талаб этилади. Турли манбаларни таҳлил қилиш натижасида қуйидагича хулосалар олинди:

шахсга йўналтирилган таълим синоним бўлмаса ҳам индивидуаллаштириш ва инсонпарварлик таълими билан аралашиб кетган;

шахсга йўналтирилган таълим бўйича услубий ишланмалар зарур.

<sup>7</sup> Савченко Е.А. Антропокультурологический подход к образовательной деятельности педагога.: Автореф. дис. ... док. пед. наук. – Москва, 2014. – 41 с.

<sup>8</sup>Существующие виды подходов к организации образовательного процесса. Электронный ресурс: <https://zaochnik.com/spravochnik/pedagogika/obschie-osnovy-pedagogiki/podhody-k-organizatsii-obrazovatel'nogo-protssesa/> Дата обращения: 28.09.2019.

<sup>9</sup>Личностно-ориентированный подход в образовании. Электронный ресурс: [https://studme.org/49829/pedagogika/lichnostno-orientirovannyy\\_podhod\\_obrazovaniy](https://studme.org/49829/pedagogika/lichnostno-orientirovannyy_podhod_obrazovaniy). Дата обращения: 28.09.2019.

Хорижий тилларни ўқитиш бўйича С.Ю.Годунова (тилни ривожлантириш), Л.К.Сальная (чет тили мулоқотига касбий йўналтириш), О.Н.Федорова (компетентлик ёндашувда инглиз тилига ўргатиш), Н.А.Газова (инглиз тили тилида мутахассисларнинг касбий компетентлигини шакллантириш), И.Р.Агасиева (махсус матнларни ахборотли ўқишга ўргатиш), В.В.Бондарева (нофилологик факультет талабаларини чет тили ёзма нутқига ўргатиш), Т.Н.Сухарева (инглиз тили материаллари асосида сўз ишлатишда коммуникатив стратегияларни шакллантириш), Е.П.Щосева (1-босқич талабаларининг инглиз тилида монологик нутқини шакллантириш), М.Ҳ.Қораходжаева (нофилологик гуруҳ талабаларининг касбий нутқини феъл асосида шакллантириш методикаси), Н.В.Землянская (оғзаки нутқ даражаси), С.А.Гаджиева (оғзаки нутқнинг грамматик томонлари), Ж.В.Ильин (инглиз тилини ўрганиш жараёнида касбий ўз-ўзини англаш), А.В.Гавриловнинг (эшитиш даражаси) тадқиқот ишлари мавжуд.

*Компетенция* – у ёки бу соҳа бўйича билимдонлик<sup>10</sup>. Компетенция (лот. *competere* - эришяпман, муносибман, лойиқман) – 1) муайян давлат органи (махаллий ўзини ўзи бошқариш органи) ёки мансабдор шахснинг қонун, устав ёки бошқа ҳужжат билан белгиланган ваколатлари, ҳуқуқ ва бурчлари доираси; 2) у ёки бу соҳадаги билимлар, тажриба<sup>11</sup>.

*Коммуникатив компетенция* – мураккаб коммуникатив кўникма ва малакаларга эгалик, янги ижтимоий тузилмалар етарли кўникмаларнинг шаклланганлигидир. Мулоқот, маданий нормалар ва чекловлар билим, алоқа, божхона, урф-одатлар, этикет, одоб-ахлоқ, таълим, алоқа воситалари, йўналганлик, миллий, синф менталитетига хос ва булар касб доирасида ифодаланган. *Коммуникатив компетенция* бу мулоқот қобилиятлари, билим, кўникма ва малакалар, бизнес алоқалари соҳасида ҳиссий ва ижтимоий тажрибани ўз ичига олган умумий коммуникатив хусусиятидир. Мулоқот қобилияти қуйидагилардан иборат:

мулоқот қилиш керак бўлган коммуникатив вазиятнинг ижтимоий-психологик прогнозини бериш;

мулоқот жараёнини ижтимоий-психологик жиҳатдан дастурлаш, коммуникатив вазиятнинг ўзига хослигига асосланганлик;

коммуникатив вазиятда алоқа жараёнларини ижтимоий-психологик бошқариш.

Коммуникатив компетенция умумий маданият ва унинг профессионал фаолиятда ўзига хос намоёнликларини синтез қилувчи интеграл сифатдир. Коммуникатив компетенциянинг шартларидан бири муайян қоидалар ва талабларни бажаришдан иборат (1-жадвалга қarang):

<sup>10</sup> Педагогикадан атамалар луғати. – Тошкент: Фан, 2008. – 196 б. – Б. 62.

<sup>11</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. Зебуннисо-Кониғил. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 704 б. – Б. 682.

## Коммуникатив компетенция қоидалари ва талаблари

№	Коммуникатив компетенция қоидалари	Коммуникатив компетенциянинг талаблари
1.	Энг кенг тарқалган қоида	ўз-ўзидан тушунилмаган ёки тўлиқ тушунилмаган бўлса, фикр билдиришни бошлашнинг иложи бўлмаслиги
2.	Тушуниш учун доимий тайёрлик	семантик ва шахсий тўсиқлар мавжуд бўлиб, улар кўпинча хабарларни тўлиқ ва нотўғри тушунишга олиб келади
3.	Аниқлик	номаълум, ноаниқ, сўзлар ва бирикмалардан ўзини олиб қочиш ва бегона ёки юқори даражада ихтисослашган атамалардан фойдаланмаслик керак
4.	Оғзаки бўлмаган сигналларни назорат қилиш	фақат нутқ ва хабар мазмунини назорат қилиш етарли эмас. Бундан ташқари, юз ифодалари, имо-ишоралар, интонация, позиция билан боғлиқ қисмида унинг шаклини назорат қилиш керак
5.	Ўз ноҳақлиги	алоқа пайтида ҳар доим шахсий нуқтаи назар нотўғри бўлиши мумкинлини назарда тутиш керак. Бу кўпинча жиддий хатолардан сақлайди
6.	Жой ва вақт	ҳар қандай хабарнинг самарадорлиги у амалга ошириладиган энг муносиб вазият танланганда сезиларли даражада ошади
7.	Очиқлик	янги очилган вазиятларнинг таъсири остида ўз нуқтаи назарини қайта кўриб чиқишга тайёр бўлишни, шунингдек, суҳбатдошнинг нуқтаи назарини қабул қилиш ва ҳисобга олиш қобилиятини англатади
8.	Фаол ва конструктив тинглаш	самарали коммуникацияларнинг асосий шартларидан биридир
9.	Фикр-мулоҳаза	бу қоида, охир-оқибат коммуникатив жараённинг асосий мақсади – ўзаро тушунишга эришишни таъминлайди

Кредит-модуль таълими тизимида талабаларнинг коммуникатив чет тили компетенциясини оширишда машинасозлик соҳасига оид терминларни умумийдан хусусий томон категориялаштиришнинг самарали механизми илмий-назарий далиллар асосида исботланган. Категориялаштириш объектларнинг концептуал бирлашиши, яъни концепт асосида бирикиши ҳисобланади. Лисоний категориялар – лисоний объектлар ва лисоний бирликларнинг концептуал бирлашмасидир. Сўзларнинг малум гуруҳлар ёки синфларга бирикиши уларнинг лексик ва грамматик хусусиятларига кўра содир бўлади. Лексик маънода тил ҳақидаги билимларимизни эмас, балки оламдаги

предмет ва ҳодисалар ҳамда уларнинг хусусиятлари ҳақидаги билимлар акс этади. Лексик категориялаштириш эса предметлар ва ҳодисалар тизимини, яъни табиий объектларнинг категорияларин ифодалайди<sup>12</sup>.

Машинасозлик энг муҳим тармоқлардан бири бўлиб, у нафақат саноат учун, балки мамлакат иқтисодиёти учун ҳам катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, машинасозлик илмий ва технологик тараққиёт даражасини белгилайди, чунки у барча соҳаларни “жиҳозлайди”. Шунингдек, машинасозлик нафақат машина, асбоб-ускуналар ва халқ хўжалиги буюмлари ишлаб чиқариш, балки машиналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, металлга ишлов беришни ҳам ўз ичига олади. Мамлакат учун муҳандисликнинг ўрни:

1. У мамлакатнинг барча мажмуаларини жиҳозлар билан таъминлайди.
2. Иқтисодиётнинг барча соҳалари ривожини машинасозликка боғлиқ.
3. Илмий ва техник тараққиётнинг барча ютуқларини реализациялайди.
4. Мамлакатнинг мудофаа қобилиятини таъминлайди.
5. Мамлакатдаги энг йирик мажмуа саноат ишлаб чиқаришининг 20 фоизини саноатда банд бўлган муҳандисликнинг 1/3 қисмига, 50 мингдан ортиғи муҳандислик корхоналарига тўғри келади.

Машинасозлик мажмуаси – иқтисодиёт тармоқлари учун меҳнат қуроллари, шунингдек, истеъмол буюмлари ва мудофаа аҳамиятига эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи оғир саноат соҳалари мажмуи. Бундан ташқари, машинасозлик ва металлга ишлов бериш, металл буюмлар, металл конструкциялар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва асбоб ускуналарни тузатиш тармоқларининг таркибий қисмини ҳам ташкил этади. Унинг асосий вазифаси иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларини юқори унум билан ишлайдиган машина ва асбоб ускуналар билан таъминлашдан иборат. Унинг фаолиятида нафақат тармоқ ичида, балки тармоқлараро ва минтақалараро ихтисослашув каби ишлаб чиқариш шакллари яққол намоён бўлади. Айниқса, ихтисослашув жараёнининг таъсирида эҳтиёт қисмлар, агрегатлар, бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш турли давлатлар, минтақаларда амалга оширилиб, уларни йиғиш жараёни маълум бир асосан иқтисоди ривожланган давлат худудида юз беради. Машинасозлик терминларини ўрганиш учун унинг типологиясини аниқлаш лозим.


Терминология – тилшуносликнинг терминларнинг грамматик сатҳдаги ўрни ва тилда амал қилиши билан боғлиқ муайян қонуниятларни ўрганувчи алоҳида соҳаси. Терминологик тизимнинг ўзига хос жиҳтлари, унинг таркибий боғлиқлиги лингвистик омиллар асосида, сўз ва сўз бирикмаларининг ясалишидаги моделларда аниқ ва равшан акс этади.

Машинасозлик соҳасига оид терминларни ўқитишда аниқлаш, таснифлаш, тизимлаштириш, таксономия, интенсивлик ва ассимиляция каби ўқитиш технологияларининг дидактик таъминоти шахсга йўналтирилган ёндашув асосида такомиллаштирилган. *Таснифлаш*нинг мақсади машинасозлик соҳасига

---

<sup>12</sup> Юлдашев А.Ғ. Тил бирликларини категориялаштиришда когнитив ёндашув // Ўзбекистонда хорижий тиллари. - № 4 (33). – Тошкент. 2020. – Б. 105-114.

оид терминларни иерархик синф тизимини ва уларнинг қуйи синфларини объектларнинг ўзига хос хусусиятларига (табiiй тасниф) асосланган ва уларга хос бўлмаган хусусиятларга асосланади. *Тизимлаштириш* - бу тавсиф бирликларининг собит иерархиясига эга бўлган машинасозлик соҳасига оид терминларнинг энг тўлиқ ва ажратилган таснифини назарда тутати. *Таксономия* машинасозлик соҳасига оид терминларни рационал таснифлаш ва таксономиканинг тамойиллари махсус ўрганилиб, асосланади (1-расмга қаранг):



**1-расм. Машинасозлик соҳаси терминлари**

Тишуносликда сўз яшаш ҳодисаси луғат таркибини бойитиб, уни мунтазам тўлдириб боришда маҳсулдор усуллардан бири саналади.

Х.Дадабоев ўзбк тилида терминология масалалари тўғрисида тўхталиб қуйидагиларни таъкидлайди: “Ўзбек терминологиясининг ўз бойликлари ҳисобига тараққий этиши икки йўл билан воқеаланади:

а) тилда мавжуд, тайёр сўзлардан янги нарса-предмет ва тушунчаларни ифодалашда фойдаланиш;

б) ўзбек адабий тили сўз яшаш имкониятлари асосида янги терминлар яратиш”.

Таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда биз замонавий терминологияни:

1) махсус соҳага оид тушунчалар ва объектларни ифодалашда қўлланиладиган сўз ва сўз бирикмалари мажмуи;

2) махсус соҳага оид тушунчалар ва объектларни ифодалашда қўлланиладиган сўз ва сўз бирикмалар мажмуини ўрганадиган мустақил фан соҳаси;

3) махсус соҳа доирасида алоқа воситаси;

4) терминларда ифодаланган махсус соҳа тушунчаларининг тарқалиши, деган хулосага келдик<sup>13</sup>.

Диссертациянинг **“Машинасозлик соҳасига оид терминларни ўқитишнинг шакл, метод ва воситалари”** деб номланган иккинчи бобида инглиз тилига оид дастур ва ўқув адабиётлар таҳлили, амалий машғулотларда машинасозлик соҳасига оид терминларни ўқитишда ўқув кейслар ҳамда мустақил таълим жараёнида машинасозлик соҳасига оид терминларни ўқитишда ўқув лойиҳалардан фойдаланиш имкониятлари ёритилган.

Кредит-модуль тизимида ўтишда машинасозлик соҳасига оид терминларнинг адаптив ва репродуктив усулда ўқитиш таркибий-функционал таҳлил орқали такомиллаштирилган. Машинасозлик соҳасига оид терминлар бўйича типология билимларни тақдим этишнинг бир шакли сифатида мумкин бўлмаса (ёки илмий жамоанинг тайёр эмаслиги) назарияни ўрганишнинг етарли соҳасини шакллантириш учун кўриб чиқилиши мумкин. Шу муносабат билан соҳа типологиясини структуравий-функционал таҳлил билан мавжуд ва бир вақтнинг ўзида типологиянинг турли мезонларига мувофиқ ўрганилаётган объектларнинг мураккаб ва кўп босқичли реконструкцияси натижасида тушунилади.

Шахсга йўналтирилган таълим – талабанинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим.

Шахсга йўналтирилган таълимнинг ўзига хос жиҳати таълим олувчи шахсини тан олиш, уни ҳар томонлама ривожлантириш учун қулай, зарур муҳитни яратишдан иборат<sup>14</sup>. Шахсга йўналтирилган ёндашув асосида таълим ўқитиш муҳитининг талаба имкониятларига мослаштирилишини назарда тутди. Унга кўра таълим муҳити, педагогик шарт-шароитлар,

<sup>13</sup> Кадирбекова Д.Х. Инглизча-ўзбекча ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари: Автореф. дисс. ... филол. фан. бўйича фал. док. – Тошкент, 2017. – 44 б. – Б. 10-11.

<sup>14</sup> “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модули бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент, 2017. – 230 б. - Б. 53-54.



таълим ҳамда тарбия жараёнини тўлалигича талабанинг шахсий имкониятларини рўёбга чиқариш, қобилиятини ривожлантириш, шахс сифатида камолотга етишини таъминлаш, тафаккури ва дунёқарашини бойитишни назарда тутати. Шахсга йўналтирилган ёндашув асосида интерфаол таълимни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Касбий компетенцияни ривожлантиришга қаратилган ўқув кейслари ва ўқув лойиҳалари интеграцияси асосида машинасозлик соҳасига оид терминларни ўқитишнинг методик таъминоти ишлаб чиқилган. Ҳар бир ўқитувчи кейс-стадига асосланган ўқув топшириқларининг пухта асосланишига эришиши лозим. Кейс топшириқларининг амалий дидактик характерга эга бўлиши учун уларни ишлаб чиқишда қуйидагиларга эътиборни қаратиш талаб этилади:

мақсадни аниқ ифода этиш (мақсад икки хил ёки ундан ортиқ) тушунилмаслиги;

савол ёки топшириқлар маълум даражада мураккаб бўлиши;

ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётнинг бир неча жиҳатларини ёрита олиши;

тезда ўзининг амалий аҳамиятини йўқотмаслиги;

миллий хусусиятларни ўзида намоён эта олиши;

таълимнинг барча йўналиш ёки соҳаларига оид типик вазиятларни ифодалаши;

долзарб аҳамиятга эга бўлиши;

талабаларда таҳлилий тафаккурни ривожлантириши;

бахс-мунозарани ташкил этиш имкониятини яратиши;

бир неча ечимни (қарорни) илгари суриш имкониятини таъминлай олиши<sup>15</sup>.

